Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди

Муовия разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Албатта, мен тақсимловчиман, холос, Аллоҳ беради. Албатта, бу уммат Аллоҳнинг иши (қиёмат) келгунча Аллоҳнинг амрида қоим бўлади. Уларга хилоф қилганлар зарар етказа олмайди».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ кимга яхшиликни хоҳласа, динда унга фаҳм беришини, ҳамда у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ берган ризқ, илм ва бошқа нарсаларни тақсимловчи холос, ҳақиқий берувчи Аллоҳ, бошқа нарсалар эса, Аллоҳнинг изнисиз фойда бермайдиган оддий сабаб эканини хабар бердилар. Шунингдек бу уммат қиёмат келгунга қадар Аллоҳнинг амрида қоим бўлиши ва уларга хилоф қилганлар зарар етказа олмаслигини баён қилдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5518